# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 5 декабрь, № 235 (6418) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.




## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*2015 йил 4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.*

Ялпи мажлиснинг иккинчи кунини сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

2014 йилда давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларни амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонунларга, бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сенаторлар Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини ташкил этишда сиёсий партиялар фракцияларининг ролини оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ўта муҳимлигини қайд этдилар. Хусусан, Қонунни кўриб чиқишда қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичида фракциялар фикр-мулоҳазаларини олиш, шунингдек, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни фракциялар дастлабки тарзда муҳокама этиши шартлиги қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Муқобил қонун лойиҳаларини киритиш бўйича мухолифат фракциясининг ҳуқуқлари аниқлаштирилди ва кенгайтирилди.

Ушбу Қонунда қонун ижодкорлиги жараёнини янада демократлаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор нормалар назарда тутилди. Жумладан, қонун лойиҳаларининг ҳар томонлама маромига етказилишини ташкил этиш, Олий Мажлис ваколатига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқиш мақсадида парламент палаталари қўмиталарининг ҳузурида давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг тегишли соҳаларда иш тажрибасига эга бўлган вакиллари орасидан эксперт гуруҳларини тузишнинг аниқ тартиби белгилаб қўйилмоқда. Социал ва ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга тааллуқли қонун лойиҳаларини муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари вакилларини албатта таклиф қилиш назарда тутилмоқда.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришга қаратилган конституциявий нормаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари регламентлари тўғрисидаги қонунларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тегишли тармоқларида қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари талабларининг бажарилиши, қабул қилинган қонунларнинг ижроси билан боғлиқ қонуности ҳужжатларини қабул қилишга доир ишлар тўғрисида Ҳукуматнинг йиллик маърузаларини, давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Ҳукуматнинг мустақиллигини ва айни пайтда жавобгарлигини янада оширишга қаратилган, Конституцияга киритилган тузатишларни амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунда унинг ваколатлари аниқроқ белгилаб берилмоқда, бу эса сенаторларнинг фикрича, ижро этувчи ҳокимият тизимини, давлат бошқаруви органлари фаолиятини янада демократлаштиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

# Технологик янгиланиш истиқболлари

*Юртимизда барча соҳа қатори иқтисодиёт тармоқлари ҳам изчил модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланаяпти. Бу эса пировардида ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш каби эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда. Бинобарин, республикамизда саноат ривожига қаратилаётган беқиёс эътибор туфайли ишлаб чиқариш субъектлари сони тобора кўпайиб бораётир.*




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ

Бунда Президентимизнинг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Milagro Tex" масъулияти чекланган жамияти ҳам мазкур ҳужжатда белгиланган қатор имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтириб бораяпти. 2012 йилда иш бошлаган корхона қисқа даврда ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлди.

— Фойдаланилмай турган бинони аниқ лойиҳа асосида қайта таъмирлаб, тўқимачилик фабрикаси учун қулай иншоотга айлантирдик, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Отабек Худойбердиев. — Бунинг учун зарур инвестиция ажратилди. Шу асосда объектни Япониянинг машҳур "Juki" брендига тегишли тикув машиналари билан жиҳозлаб, яримтайёр маҳсулотлардан 50 дан зиёд турдаги экспортбоп кийим-кечак тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада 80 та иш ўрни яратилди. Айни пайтда жамоамизда 150 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси маҳаллий аҳоли вакиллари бўлиб, асосий қисмини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Хусусий буюртмачилар, дўконлар, спорт муассасалари, фитнес-клублар асосий мижозларимиздир. Қолаверса, етти ёшдан етмиш ёшгача мўлжалланган либосларимиз рақобатдош бўлгани учун уларни экспортга ҳам чиқараяпмиз. Ҳозир технологияларимизнинг йиллик қуввати 800 минг АҚШ долларилик маҳсулот тайёрлашга тенг. Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳа ривожига қаратилаётган катта эътибор самарасидир.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА




### «Ўзбекистон Конституцияси — инсон манфаатларини мужассамлаштирган дунёдаги энг халқчил ҳужжатлардан бири»

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий ва маданий-гуманитар доиралари вакиллари томонидан мамлакатимиз эришган муваффақиятларда Асосий Қонунимизнинг тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Жумладан, Калькутта шаҳрида жойлашган **Мавлоно Абул Калам Озод номидаги Осиё тадқиқотлар институти илмий ходими, доктор Априта Басу Рой** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёнинг инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида мужассамлаштирган демократик ҳамда халқчил ҳужжатлардан бири эканлигини эътироф этгани ҳолда қуйидагиларни таъкидлади:

— Маълумки, дунёда Конституцияга эга бўлмасдан, турли қонунлар мажмуаси Асосий Қонун вазифасини ўтайдиган давлатлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, тарихий, маънавий ва маданий қадриятларини, шу билан бирга, дунёнинг илғор тажрибалари ҳамда умумбашарий демократик тамойилларни уйғунлаштирган пухта ва барча халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос ўз Конституциясини қабул қилди.

Мамлакатингиз Асосий Қонунининг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", дея белгилаб қўйилган. Яъни бугунги глобаллашув, айни пайтда дунёнинг қатор бурчакларида қашшоқлик, нотинчлик, жаҳолат ҳамда бошқа иллатлар авж олаётган бир даврда Ўзбекистонда туғилиб ўсаётган ҳар бир бола мактаб ёшига етгач бепул таълим олиши мамлакат Конституцияси билан кафолатланган. Афсуски, кўпчиликка оддий кўринадиган бу ҳол бир қанча давлатда ҳамон ҳукуматнинг жиддий эътиборига муҳтож бўлиб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Конституциясининг бир неча моддаларида эътиқод эркинлигига алоҳида тўхталиб ўтилган ва уларнинг моҳияти мамлакатда истиқомат қиладиган ҳар қандай кишининг эътиқоди унинг ўзи томонидан танланиши белгиланган.

Шуни ишонч билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни республикани дунёнинг илғор демократик тамойиллар ва фуқаролик жамияти ривожланган етакчи давлатлари қаторидан жой олишига хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий пойдевордир. Конституция белгилаб берган тамойиллар асосида тобора тараққий топиб бораётган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга эканлиги бир дўст мамлакат вакили сифатида менга мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини республика Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этаман. Қуёшли ўлканинг барча аҳолисига тинчлик ва фаровонлик, бахт-саодат тилайман!

(Давоми 3-бетда).

*Инсон умрининг мазмунли ва саодатли кечаётганини белгиловчи омиллар кўп. Бироқ ўз ҳаётини шу азиз она-Ватан фаровонлиги йўлига бағишлаётган кишиларга ҳар қанча эҳтиром кўрсатсанг, уларни эъзозласанг арзийди. Албатта, бу ўринда юртимизнинг бугунги тараққиёти ҳамда фаровонлигига мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилаётган Конституциямизнинг асосчилари ва ушбу шарафли вазифага бошчилик қилиб, унга сайқал берган юртдошларимизни назарда тутмоқдамиз.*

### БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида Асосий Қонунимизга бағишланган турли тадбирлар ўтказилиб, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тарғиб қилинаяпти. Доно халқимиз ўз эрки, озодлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари ифодаланган ҳамда инсон шаънини олий даражага кўтарган мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг улуғворлигини аллақачон англаб етган. Конституцияни кимдир бахтимиз Қомуси, деб таърифласа, яна биров беназир ҳуқуқий қадрият, дея баҳоламоқда. Президентимиз Ислом Каримов Конституцияни "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" номли асарида ҳақли равишда "халқчил Қомус", деб атаган эди.

Конституцияни ишлаб чиқишга икки йилдан ортиқ вақт кетганлиги, бу шарафли, айни вақтда масъулиятли вазифага шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи бошчилик қилганлиги маълум. Мазкур вазифа учун республикамизнинг энг етук мутахассислари, олимлари жалб этилган эди. Айни чоғда ривожланган давлатларнинг конституциялари атрофлича ўрганиб чиқилди. Шу билан бирга, унинг моҳиятига халқимиз асрлар давомида ардоқлаб келаётган беназир қадриятлар сингдирилди. Тайёрланган лойиҳа эса икки ярим ой давомида умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди. Айтиб ўтилган ана шундай омиллар сабаб Конституциямиз мукаммаллик, улуғворлик намунаси бўлган ҳуқуқий ҳужжатга айланди.

Асосий Қонунимизнинг устуворлиги хусусида сўз кетганда, энг аввало, унда инсон омили, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий мақомга кўтарилганини таъкидлаш лозим. Чунки муқаддиманинг дастлабки сатрларидаёқ, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинган. Уммон тубидан излаб топилган ноёб дуру жавоҳир киши эътиборини қанчалик тортса, муқаддимада қайд этилган ҳар бир фикр ҳам ана шундай таъсирга эга. Хусусан, унинг ҳозирги ва келгуси авлодлар олдидаги юксак масъулият ва миллий давлатчилик ривожининг тарихий тажрибаси асосида, демократия ҳамда ижтимоий адолатга садоқатни намоён қилиш, юртдошларимиз муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш мақсадида қабул қилингани ҳар бир мустақил фикр эгасига қўшимча куч, юксак ишонч ва она-заминга муҳаббат туйғусини бағишлайди.

(Давоми 3-бетда).

# Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим кафолати

*Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бугунги талабларидан келиб чиққан ҳолда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган қатор масалалар кўриб чиқилди. Мухбиримизнинг парламент юқори палатаси аъзолари билан суҳбатида сенаторлар томонидан маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз борди.*

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ, Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:**

— Шу кунларда мамлакатимизда миллий давлатчилигимиз ҳамда тараққиётимизнинг мустаҳкам асоси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Дарҳақиқат, Асосий Қонунимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди. Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, кўриб чиқилган масалалар ҳам конституциявий қоида ва нормаларни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, қонунларимизда биз танлаган стратегия, яъни тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ҳамда келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш мақсади мужассамдир. Албатта, ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни кенг тарғиб этиш, уларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

**Норқул СОДИҚОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Сенаторлар томонидан атрофлича кўриб чиқилган ҳамда маъқулланган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун давлат хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш соҳасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлиб, у турли маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий асос яратади. Қонун "электрон ҳукумат" фаолиятини ташкил этишнинг асосий принципларини мустаҳкамлаб, "бир дарча" тамойили асосида электрон ҳужжат алмашиш имкониятларини кенгайтиради, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқанинг самарали механизмларини яратишни, электрон давлат харидлари тизимини ривожлантиришни назарда тутади.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунларга ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари кенгайтирилди. Энди унинг зиммасига халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш функциялари юкланмоқда, сайлов тизимини янада демократлаштиришга қаратилган бошқа қўшимчалар ҳам киритилди.

Мажлис давомида корпоратив бошқарув соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар кўриб чиқилди. 2015 йил 24 апрель куни "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинганлиги муносабати билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, потенциал инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жалб этувчанлигини таъминлаш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Қонун билан давлат органларига, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича уларга кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Акциядорлик жамиятини ўрта муддатга ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқбол стратегиясини аниқлаш, шунингдек, ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг мазкур стратегияни амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш бўйича акциядорлар умумий йиғилишларининг ваколатлари анча кенгайтирилмоқда.

Ушбу ўзгартишларга мувофиқ, акциядорлик жамиятлари ишларини бошқаришда иштирок этаётган чет эллик менежерларнинг ваколатлари кенгайтирилди, акциядорлик жамиятларидаги чет эллик ходимларнинг бошқарув ходими сифатида олган даромадларини соликдан озод этиш назарда тутилмоқда.

Қонун билан процессуал қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, суд иши тезкорлигини, очиқлигини ва сифатини, унинг фуқаролар учун қулайлигини ошириш мақсадида Хўжалик процессуал кодексига, Бюджет кодексига ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, тегишли суд тартиб-таомилларини ўтказишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг турли шакллари, жумладан, ижро варақасини судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида жўнатиш мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ветеринария тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Мажлисда таъкидланганидек, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда ветеринария хизматини янада ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини аниқ мустаҳкамлаб берди.

Қонунда давлат ветеринария хизмати, профилактика, диагностика ва даволаш тадбирлари, ветеринария назорати ҳамда ҳайвонларнинг касалга чалинишининг, республика ҳудудига бошқа давлатлардан уларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган бошқа ишларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг ваколатлари белгилаб берилди.

Ветеринария тадбирларини ўтказишда, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари ва бошқа органларга кўмак беришда ҳамда зарур ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар иштирок этишининг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги замон талаблари ва стандартларини инобатга олган ҳолда ветеринария хизматини янада ривожлантиришга, давлат ветеринария назорати самарадорлигини оширишга, аҳоли саломатлигини, атроф-муҳитни асрашнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлисда таъкидланганидек, мазкур Қонуннинг мақсади дори воситалари айланиши ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан, аҳолини сифатли, хавфсиз дори воситалари, дори-дармонлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришдан иборат.

Ушбу вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида Қонунда ҳозирги замон талаблари ва стандартларини ҳисобга олиб, фармакологик воситаларнинг, дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг клиникадан олдинги тадқиқотларини ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий тартиби ва шартлари белгиланмоқда. Дори воситалари, тиббий буюмлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин уларни қўллашга рухсат берилиши белгилаб қўйилмоқда.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, ташишга нисбатан қўйиладиган асосий талаблар, мамлакатимиз ҳудудига тиббий препаратларни олиб кириш ва мамлакат ҳудудидан олиб чиқиш тартиби мустаҳкамланмоқда. Аҳолини хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлашнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, Қонун фармакологик назоратни амалга оширишга қўйилган талабларни, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ушбу соҳадаги ваколатларини, функцияларини белгилаб бермоқда. Қонунда дорихоналарнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ходимларини касбга тайёрлаш даражасига қўйиладиган талаблар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда қўлланилаётган дори воситаларидан фуқароларни кенг хабардор қилиш, фармацевтика фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техникаларнинг давлат реестрини, шунингдек, рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатини ҳамда дори воситалари ва бошқа тиббий воситалар тўғрисидаги бошқа расмий ахборотни жойлаштириш талаби жорий этилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонун фуқароларнинг малакали тиббий хизмат кўрсатишдан иборат ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фуқароларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмига айланади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Ҳисобот даврида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш юзасидан зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга доир кўплаб ишлар прокуратура органлари томонидан бажарилганлиги сенаторлар томонидан қайд этилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатлари шак-шубҳасиз ижро этилишини таъминлашга, улар қабул қилаётган норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар прокуратура органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш орқали ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг аниқ сабаблари ва шартларини аниқлашга, уларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратди.

Жиноятга қарши курашишни ташкил этиш соҳасида профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш талабларининг самарадорлигини оширишга муҳим урғу берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлда қабул қилинган "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси ташкил этилиши прокуратура органлари назорат фаолияти кучайишининг муҳим омилига айланди.

Ҳисобот даврида қонунлар ижроси бўйича ўтказилган 17 мингдан ортиқ текширув якунларига кўра, прокуратура органлари томонидан 115228 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилди, 87094 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Давлат органларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган 19578 та ҳужжати устидан арз қилинди. Натижада кейинчалик ушбу ҳужжатлар бекор қилинди ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижро этилиши, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, бунинг учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ҳам прокуратура органларининг диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қоидаларини сўзсиз ижро этишга прокуратура органлари томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда таъкидланганидек, мазкур Фармон, унга мувофиқ қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сўнгги йилларда мазкур соҳада қабул қилинган энг муҳим норматив ҳужжатлар бўлиб қолмоқда. Ушбу қонун ҳужжатлари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес олиб боришни ташкил этиш, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ мазкур субъектлар фаолиятининг деярли барча жиҳатларига тааллуқлидир.

Ушбу қонун ҳужжатларининг қоидаларини амалга ошириш мақсадида прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилиши устидан назоратни кучайтиришга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахслари жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган комплекс, тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда ҳамда рўёбга чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилинган Фармонини ижро этиш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида фуқароларнинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кечаю кундуз қабул қиладиган электрон тизим яратилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Мурожаатларни кўриб чиқиш тезлигини таъминлаш мақсадида ушбу тизимга 34 та идора, прокуратура органларининг вилоят ва туман бўлинмалари уланди. Ҳар бир мурожаатнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши он-лайн режимда назорат қилинмоқда.

Бош прокуратуранинг Мурожаатларни кечаю кундуз қабул қилувчи маркази ташкил этилганидан буён (2015 йил 1 июль) марказ телефонларига 19 мингдан зиёд мурожаат келиб тушди. Улар бўйича прокурор томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан деярли 16 минг нафар тадбиркорлик субъектининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорларни ҳимоя қилишга қаратилган назорат тадбирлари натижасида уларнинг фойдасига 13 миллиард сўм ундириш тўғрисида судларга 764 та ариза киритилди, 6220 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди.

Муҳокама чоғида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга доир таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, кенг жамоатчиликни жиноятга қарши курашишга жалб қилиш, мамлакатимизда қонунийликни ва ҳуқуқ тартиботини таъминлашга доир прокуратура томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни кучайтириш тавсия этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онгини ошириш, қонунийликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу соҳадаги фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини ташкил этиш ҳам муҳим вазифадир.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқладилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Умуман олганда, Сенат ялпи мажлисининг якунларига кўра, 15 та масала, шу жумладан, 7 та Қонун кўриб чиқилди. Сенаторларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги ҳужжат, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, 2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, Сенат мажлиси давомида маъқулланган қонунлар демократик ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштиришнинг, иқтисодиётни, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришнинг, мамлакатимиз хавфсизлигини, барқарор ривожланишини таъминлашнинг, инсонлар турмуш даражасини ва сифатини оширишнинг муҳим омилига айланади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Узак **Базаров** ва Генжемурат **Пиржанов** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 4 декабрь

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Файзулла Абдуллаевич **Абдуазимов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Атабек Напасович **Маткаримов** ва Садриддин Бавабекович **Эшанкулов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин.

3. Раъно Норбоевна **Камалова** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 4 декабрь

---

# Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни қайд этиш керакки, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасида АКТни янада ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига "бир дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил қилиш ишлари жадал давом эттирилаяпти. Ушбу марказлар орқали тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатилиши натижасида тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришларининг олди олиниб, уларнинг вақтлари тежалмоқда, ортиқча сарф-харажатлар камайди.

**Фаррух ДАДАХОДЖАЕВ,**
**Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

— Ялпи мажлисда маъқулланган янги таҳрирдаги Божхона кодекси ҳам сенаторлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Шуни қайд этиш керакки, кодекснинг янги таҳрири божхона ишининг ягона ҳамда бир хиллаштирилган қонунчилик базасини янада ривожлантириш, божхона маъмурчилигининг барча босқичида ҳуқуқий норма ва механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, божхона томонидан тартибга солишнинг ошкоралигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Божхона кодекси юкларни божхонада расмийлаштиришнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштирилган божхона режимлари ҳамда тартиб-таомилларининг барча турини батафсил равишда, тўғридан-тўғри таъсир қилувчи нормалар асосида тартибга солади.

Кодексда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган турли ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари, товарларни, шу жумладан, товарлар божхона ҳудудига келиб тушишидан аввал уларни декларациялаш ва расмийлаштиришда божхона тартиб-таомилларидан ўтказиш тартиби енгиллаштирилди, шунингдек, мазкур масалалар юзасидан божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилиш учун белгиланган муддатлар анча қисқартирилди. Божхона назоратининг янги шакллари жорий этилди. Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг қабул қилиниши мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, ички бозорни сифатсиз ҳамда контрабанда маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг жаҳон бозорларига чиқиши учун қўшимча қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш имкониятини кенгайтиради.

**Мақсуда ВАРИСОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ветеринария тизими ходимлари юртимиз ҳудудига ҳайвонлар орасида учрайдиган ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш, гўшт, сут, тухум ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, чорва молларни юқумли касалликларга қарши ўз вақтида профилактик эмлаш каби муҳим вазифаларни бажариб келаяпти. Албатта, глобаллашув жараёни жадаллашган айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари долзарблик касб этиб, бу соҳага оид қонунчиликни ҳам такомиллаштириш зарурати юзага келди. Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган янги таҳрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган. Қонунда ветеринария хизмати сифатини юксалтириш, республика ҳудудининг ветеринария жиҳатдан осойишталигини, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни янада такомиллаштириш мақсади мужассамлаштирилган.

Унга кўра, ветеринария тадбирларини ўтказишга фуқаролик жамияти институтлари ҳам жалб этилиши эътиборлидир. Хусусан, давлат ветеринария хизматининг шаффофлигини, тегишли ҳудудда ветеринария соҳасида жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ветеринария тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг иштирок этиши назарда тутилган.

**Халиджон КАМИЛОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ушбу Қонунни қабул қилиш заруратини туғдирди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникага бўлган техник талабларни тартибга солишни халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича етакчи хорижий давлатлар тажрибасини, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Қонун дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни тиббиёт амалиётига самарали татбиқ қилиш, аҳолини сифатли ва кафолатланган дори препаратлари билан таъминлаш, давлат ҳамда бошқа идораларнинг соҳадаги масъулиятини ошириш мақсадларини кўзлайди.

Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ва тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг комплекс тизимини мустаҳкамлашга кўмаклашади, ижро этувчи органлар ҳамда назорат қилувчи хизматлар фаолиятининг амалий самарадорлигини оширишга имкон беради.

**Икром КАРАТАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолиси сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, иқтисодиётда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши қонун ҳужжатларини такомиллаштириб бориш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда. Сенатда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун айни шу мақсадда ишлаб чиқилган.

Хусусан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга киритилган тузатишлар мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш, инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ҳамда жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб бориш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

# БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Инсоният доимо эркин фикрлаш, озод ва фаровон ҳаётга қанчалик интилиб яшаганлигига тарих гувоҳ. Бугун озод ва обод юртда бахтли ҳаёт кечираяпмиз. Фикрлаш, сўз ва эътиқод, виждон эркинлигига, ҳуқуқларимиз дахлсизлигига эгамиз. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг тенглиги, қонуний манфаатларининг барча жиҳати Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топди.

Асосий Қонунимиз инсон, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, хоҳ ёш ёхуд кекса, соғлом ёки ногирон — барча инсонлар манфаатларини бирдек ифодалайди. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар ҳуқуқлари алоҳида давлат ҳимоясига олиниши, ушбу масала конституциявий норма даражасида ифодаланиши эътиборга молик.

Конституция устуворлиги хусусида сўз кетганда, унинг нормаларида халқимизнинг асрлар оша давом этиб келаётган ўзига хос миллий ва диний қадриятлари ўз аксини топганлигини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Хусусан, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Оила эса жамият асосий бўғини сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Асосий Қонунимизнинг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтсак. Маълумки, юртимизда демократик тамойиллар кун сайин ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги бевосита ва билвосита иштироки кенгаймоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг амалий ифодаси эканлигини таъкидлаш жоиз. Айтиш керакки, республикамизда демократия тушунчаси тўғри талқин қилиниб, бу борадаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар Конституциямизда босқичма-босқич ўз ифодасини топаётир. Жумладан, 2014 йилда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, жамоатчилик ҳамда парламент назоратига, Марказий сайлов комиссияси фаолиятига конституциявий мақом берилиши ва бошқа янгиликлар юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти мустаҳкам қарор топаётганлигини кўрсатади.

Бугун юртимизда Асосий Қонунимиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилаётир. Бу айни чоғда хорижликлар томонидан ҳам юксак эътироф этилмоқда. Зотан, бугунги кунда дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон номи алоҳида ҳурмат ҳамда эҳтиром билан тилга олинаяпти. Шунинг ўзиёқ танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигининг ва Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг ҳаётий тасдиғидир.

Ана шу ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш ҳамда она-Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузини бундан-да ошириш ҳар биримиздан катта масъулият ва фидойиликни талаб этади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, асосий вазифамиз ва масъулиятимизни бир зум ҳам унутмаслигимиз даркор. Шу диёрнинг бахтли фуқаролари сифатида юртимизнинг янада равнақ топишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

**Аҳмад ИСМАИЛОВ,**
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари,**
**«Шуҳрат» медали соҳиби.**

# Технологик янгиланиш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сабаби, ҳали-ҳамон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари кўплаб давлатларда сезилаётир. Ана шундай шароитда уларда тадбиркорлик субъектлари бозорда ўз ўрнини топа олмай, оғир аҳволга тушиб қолаётгани бор гап. Бизда эса тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган ҳар бир юртдошимиз учун нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё этилган.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, қўлигул чеварлар ўз ишига катта масъулият ва иштиёқ билан ёндашаётганига гувоҳ бўлдик. Маҳсулотлардаги юқори сифат ҳамда бежиримлик ана шу меҳнат инъикосидир аслида.

— Ўқишни тамомлаб, ўз мутахассислигим бўйича ушбу корхонага ишга кирдим, — дейди Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини битирган Юлдуз Боситова. — Бундан оиламиз аъзолари жуда хурсанд бўлишди. Таълим даргоҳида олган билимларим, амалий кўникмаларим меҳнат фаолиятимда қўл келаётганини айтмайсизми? Бор салоҳиятимизни ишга солиб, маҳсулот бекаму кўст чиқиши учун ҳар бир юмушни алоҳида қунт ва синчковлик билан бажараяпмиз. Шуни фахр билан айта оламан: жамиятда муносиб ўрин топиб, рўзғорига қут-барака киритаётган, ота-онасига раҳмат олиб келаётган бахтли авлод вакилиман.

Кўриниб турибдики, корхонанинг аҳил жамоаси ўз имкониятларини тўлиқ ишга солиб, моддий-техника, кадрлар ҳамда корпоратив базасини тобора кенгайтириб бормоқда, янги уфқлар ва режалар рўёби сари интилаяпти.

Зеро, “Milagro Tex” МЧЖнинг келгусидаги мақсадлари илғор ускуналар асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, либослар дизайнини такомиллаштириш, қўшимча маркетинг линияларини топиш, диверсификация жараёнларига эътиборни кучайтириш, янги иш ўринлари барпо этиш, шу асосда ички ва ташқи бозорга янада кенгроқ кириб боришга қаратилган.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ишбилармонларга бизнес билан эмин-эркин шуғулланиши учун тақдим этилаётган имкониятлар бошқа корхоналар қатори, биз ҳикоя қилган фабрика истиқболи ёруғ эканидан далолат беради. Зотан, давлатимиз томонидан берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялардан оқилона фойдаланиш ҳар қандай ишлаб чиқариш субъектида келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Францияда жорий йилнинг учинчи чораги якунларига кўра, ишсизлик даражаси 10,6 фоизга етди.*

## Ишсизлик даражаси ошди

Бу сўнгги йигирма йил ичидаги рекорд кўрсаткичдир, дейилади мамлакат статистика хизмати маълумотида. Аммо “Евростат” хулосалари бўйича мазкур рақам аслида 10,8 фоизга тенг. Шундай қилиб, ушбу давлатдаги ижтимоий аҳвол ҳолати еврохудуддаги ўртача меъёр (10,7 фоиз)дан ошиб кетди.

## Ювса бўладиган смартфон

*Япониянинг “Kyocera” компанияси совунлаб ювса бўладиган смартфон яратди.*



“The Verge” порталининг хабар беришича, ушбу алоқа воситасидан турли вазиятларда, масалан, чўмилаётганда ҳам фойдаланиш мумкин. Унинг сенсорли дисплейи ҳатто ҳўллигида ҳам ишлайди ва қирилмайди. Телефон “Android 5.1” платформаси билан таъминланган. Унга 13 мегапикселли камера ўрнатилган бўлиб, аккумулятори сиғими 3000 миллиампер-соатга тенг.

## Энг қадимги нав

*Хитойнинг жануби-ғарбида энг қадимги шафтоли навининг тош қотган данаклари топилди.*



Олимларнинг айтишича, унинг ёши 2,5 миллион йилга тенг. Бу ҳақда “Сайнтифик Репортс” журналида илмий мақола чоп этилган. Данакнинг япасқи шакли ва бурушиқлари бизнинг ҳозирги даврдагидан фарқ қилмайди. Лекин меваси анча кичкина бўлган экан. Чин ўлкасида энг қадимги пайтлардан бошлаб шафтоли етиштирилгани фанга маълум эди. Масалан, милоддан аввалги XI — VI асрларга тегишли “Қўшиқлар китоби” тўпламида ушбу неъмат ҳақида ҳам сўз юритилган. Энди унинг тарихи анча узоққа бориб тақалиши аён бўлди.

## Келгуси йил ранглари

*АҚШдаги “Pantone” тадқиқот институти 2016 йилда одамлар орасида урфга кирадиган ранглари маълум қилди.*

“WWD” ахборот манбасида ёзилишича, оч мовий ва ёрқин пушти туслар кенг оммалашади. Институт ходимларининг фикрига қараганда, улар эркакларга ҳам, аёлларга ҳам мос келиб, соғлиқ ва фаровонлик рамзлари ҳисобланади. Шунингдек, келгуси йилда помидор, айиқтовон ва пистоқи рангларидаги либослардан фойдаланиш кўп кузатилиши айтилмоқда.

## Ақлий фаолият учун фойдали

*Олимлар томонидан сувнинг инсон тафаккурига таъсири ўрганилди.*



Тадқиқотлар маълум давр мобайнида кўнгиллилар иштирокида олиб борилди. Аниқланишича, овқатланиш давомида ичилган камида бир, кўпи билан уч стакан газсиз сув инсон миясининг фаоллик даражасига таъсир кўрсатиб, таҳлил қилиш хусусиятлари ва хотирани кучайтирар экан. Гап шундаки, таомни ана шундай миқдордаги обиҳаёт билан тановул қилганлар бошқаларга нисбатан мантиқий тестларни юқори натижалар билан ечишган. “Science” журналида чоп этилган илмий мақолада ана шу ҳақда атрофлича сўз юритилган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# «Ўзбекистон Конституцияси — инсон манфаатларини мужассамлаштирган дунёдаги энг халқчил ҳужжатлардан бири»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**“Asia News Agency” ахборот агентлиги муҳаррири Ниту Сингх** мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳамда рўёбга чиқарилган кенг кўламли ислоҳотларда Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг аҳамияти beқиёс эканлигини таъкидлади.

— Жаҳондаги етакчи демократик давлатларнинг энг илғор тажриба ва ютуқларини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асоси Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Бу эндигина мустақилликка эришган давлатнинг Асосий Қонунини яратишга нақадар оқилона ҳамда пухта ёндашилганлиги ва унинг келажакни кўра билиш салоҳиятига эга бўлган давлат арбоби томонидан ишлаб чиқилганидан далолат беради.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда барча соҳани модернизация қилиш билан бирга, маҳалла, парламент, сайлов ҳамда суд-ҳуқуқ сингари тизимлар тўлақонли ислоҳ этилиб, иқтисодий тараққий топган демократик давлат барпо қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асоси яратилди.

Ана шу пойдевор бугун мамлакат фуқароларининг ҳар бир соҳада эркин фаолият юритишига, билим олишига, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишига, қисқача айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмай, бахтиёр ҳаёт кечиришига хизмат қилаётир.

Қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан юртингиз аҳлини чин дилдан табриклайман ҳамда мамлакатингизга барқарор тараққиёт ва фаровонлик тилайман!

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли


КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ**

**2016 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолаш мақсадида мулкларни баҳоловчи ташкилотлар ўртасида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Тел./факс: (0-371) 233-32-50, 120-45-00. Ички телефон: 10-91.**

***Нархлари кўрсатилган тижорат таклифларингиз (тижорат таклифлар алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2015 йил 21 декабрь куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.***

1820А/856

ЭЪЛОНЛАР

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 2015 йил 18 июндаги 15117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ, Тинчлик кўчасида жойлашган, ер майдони 5,0 гектар, фойдаланиш майдони 4,88 гектар бўлган иссиқхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 650 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 21 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

1816А/24

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 14 январь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 5 августдаги 10-1416/8474-сонли, 2015 йил 9 мартдаги 10-1510/107-сонли ва Фарғона вилояти хўжалик судининг бир нечта ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 22-сонли «Мустақиллик» МФЙ, Истиқлол кўчасида жойлашган, ер майдони 16271,36 кв.м., қурилиш ости майдони 4960,92 кв.м., фойдаланиш майдони 1031,60 кв.м. бўлган, 0001, 0003, 0006-0009, 0014-0016-литерлардаги ҳамда ҳуқуқий ҳужжати мавжуд бўлмаган 0001-А, 0003-А, 0011-0013-литерлардаги омборхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 213 502 968 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 12 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2015 йил 25 декабрь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошлоқ тумани СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2015 йил 15 июлдаги 1-2219/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, «Қўрғонча» ҚФЙ, «Пиёзчилик» МФЙ, Муҳандис кўчаси, 169-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 338,68 кв.м., фойдаланиш майдони 252,57 кв.м. бўлган, 0001 (0010), 0002 (0009), 0003-литерлардаги офис биноси ва омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

**2.** Риштон тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 2 мартдаги 10-1121/195-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, «Ёйилма» ҚФЙ, «Навбаҳор» МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 1484 кв.м., қурилиш ости майдони 65 кв.м., фойдаланиш майдони 99,58 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги ёзги кинотеатр.

***Бошланғич баҳоси — 142 471 900 сўм.***

**3.** Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Туркистон кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 713,50 кв.м., фойдаланиш майдони 614,49 кв.м. бўлган, 0001-литердаги чойхона-ошхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 256 415 455 сўм.***

**4.** Фурқат тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 16 декабрдаги 15-13-07/25223-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фурқат тумани, «Ғунча» ҚФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1393,64 кв.м., фойдаланиш майдони 1284,37 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 93 532 496 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 23 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, Савдо-саноат палатаси биноси, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

1819А/34

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ** **аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2015 йил 25 декабрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

- ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 14 майдаги 3020-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорбоғ» ҚФЙ, «Чорбоғ гўзал боғи» БУШда жойлашган, фойдаланиш майдони 280,80 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 1 271 086 093 сўм.***

- Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 4 августдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 11-уй, 3-хонадон. Мазкур 2 хонали хонадон 5 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган бўлиб, фойдаланиш майдони 53,60 кв.м., тураржой майдони 27,60 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 28 127 068 сўм.***

- ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 27 декабрдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янгиовул» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м., асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган қўй-қўра бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 172 158 469 сўм.***

- ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай тумани судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Нанай» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 326,0 кв.м., фойдаланиш майдони 61,75 кв.м., 3 та хонадан иборат дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 45 822 510 сўм.***

Аукцион савдосига чиқарилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InFinBank»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ҳамда ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz www.realtors.uz**

**Хизматлар лицензияланган.**

1818А/465

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Учтепа тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2013 йил 17 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Myasnoff plus» хусусий корхонасига қарашли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Гулсарой (собиқ Наби Ҳасанов) кўчаси, 23-уйда жойлашган, умумий майдони 487,0 кв.м.дан иборат бўлган цех ва омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 117 765 388 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 2013 йил 26 декабрдаги 1-578-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Чикризов кўчасида жойлашган, ер майдони 0,50 гектар, қурилиш ости майдони 850,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли, ертўлали қурилиши битмаган бино.

***Бошланғич баҳоси — 414 256 160 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 22 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

1815А/6


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Х. Л. Ғаппоровга онаси

**СОБИРАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Фарҳоджон Муродович Тошпўлатовга отаси

**Мурод ТОШПЎЛАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# БАРКАМОЛ АВЛОД ШИЖОАТИ

*Мамлакатимизда инсон манфаатлари, хусусан, навқирон авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалий ифодасидир.*

**ДИЛ СЎЗИ**

Бинобарин, халқимиз хоҳиш-иродаси билан 23 йил олдин қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча соҳа қатори таълим тизимини ҳам сифат, ҳам мазмун жиҳатидан тубдан ислоҳ этишда, ёшларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жамиятда муносиб ўрин топишларида муҳим пойдевор вазифасини ўтаётир.

Асосий Қонунимизда ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Шу мақсадда ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун асосида юртимизда замонавий ўқув муассасалари барпо қилиниб, уларнинг моддий-техника базаси бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юксак салоҳиятли авлодни камолга етказишнинг самарали моделини яратишда дастуриламал бўлди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланган ушбу дастур асосида мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилинди. Ўқув стандартлари негизи миллий ғоя ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб бойитилди. Тизимга илғор педагогик технологиялар ва ёндашувлар жорий этилди.

Эътиборлиси, давлат бюджетидан ижтимоий соҳага, жумладан, таълим тизимига йўналтирилаётган сармоялар мунтазам ошириб борилмоқда. Соҳага доир қонунлар ва давлат дастурлари ушбу жабҳани бутунлай янги босқичга кўтариб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдек долзарб вазифаларни муваффақиятли бажаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

Кишига мамнуният бағишлайдиган жиҳат шундаки, жаҳон аҳли эътирофига сазовор бўлаётган бундай саъй-ҳаракатлар, таълим-тарбия ишлари самарадорлигининг ошиб бораётгани келажагимиз эгаларининг ҳар томонлама етук, соғлом фикр ва қатъий позицияга эга инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилмоқда. Бу бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам. Бинобарин, Конституциямиз ана шу улуғвор мақсад ва интилишларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади.

**Азамат ХАЙРИДДИНОВ,**
**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти проректори, иқтисод фанлари номзоди.**

**2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ**

*Ўзбек миллий академик драма театрида "Кексалар куйлаганда" деб номланган адабий-бадиий кеча ташкил этилди. Шу муносабат билан бу ерга нуроний отахону онахонлар, санъат мухлислари, жамоатчилик вакиллари, ижодкорлар, ёшлар таклиф қилинди.*

# Дилга яқин наволар

Ёши улуғларни эъзозлаш, қадрлаш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш сингари фазилатлар халқимизнинг қонқонига сингиб кетган. Бундай эзгу хислатларнинг давлат миқёсида қўллаб-қувватланаётгани барчамизни бирдек қувонтиради. Хусусан, жорий йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номлангани ҳамда шу асосда қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ, кўплаб ибратли ишлар амага оширилаётгани фикримиз исботидир.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Ўзбек миллий академик драма театри ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар ифодаси бўлди. Бетакрор истеъдоди ва жўшқин фаолияти билан санъат ҳамда маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган ёши улуғ санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилганлиги туфайли тадбир байрамона руҳда ўтди.

Устоз санъаткорларнинг пурмаъно қўшиқларини соғинган мухлислар кўнглида кўтаринкилик уйғотиш, "Устоз — шогирд" анъаналарини давом эттириш мақсадига қаратилган кечада Ватан, ота-она, муҳаббат, меҳр-оқибат каби мавзулар тараннум қилинди. Айниқса, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев ва Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов ва хушовоз хонанда Ҳожиакбар Ҳамидов томонидан ижро этилган қўшиқлар гулдурос олқишлар билан кутиб олинди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳавотоғнинг шифобахш суви

*Жиззах вилоятининг Янгиобод туманидаги Ҳавотоғ қишлоғида артезиан қудуғи қазилганда, 1300 метр чуқурликдан 60 даражали иссиқ сув чиқиши ва унинг ҳар бир литри таркибида 5,68 миллиграммгача бром, натрий, калий, кальций каби микроэлементлар мавжудлиги аниқланди.*



**САЛОМАТЛИК**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, биргина бром моддаси асаб тизими фаолиятини яхшилашга ёрдам беради. Аммо ушбу микроэлемент билан юқори даражада тўйинган шифобахш сув мамлакатимизнинг бошқа жойида учрамайди. Бу эса мазкур ҳудудда "Ҳавотоғ гулшани" номли санаторий ташкил этилишига асос бўлди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағи ҳисобидан бунёд этилган соғломлаштириш муассасасининг қўшқаватли биносини "Глобал транс қурилиш-монтаж" МЧЖ бинокорлари қисқа муддатда қуриб битказишди. Бунинг учун 8,8 миллиард сўм сарфланди.

Бинобарин, 50 ўринга мўлжалланган янги санаторий Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Сингапурнинг энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Натижада бу ерда асаб, ҳаракат-таянч, ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликларини даволаш имконияти юзага келди.

Яна бир эътиборли жиҳати, "Ҳавотоғ гулшани"да замонавий спорт майдончалари барпо қилинган. 8 гектар майдонга эса минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янги студия фойдаланишга топширилди

*Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясида кўрсатув ҳамда ток-шоулар тайёрлашга мўлжалланган янги студия дастурларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш имкониятини беради.*

**ХИЗМАТ**

Айтиш лозимки, кейинги йилларда вилоят телерадиокомпаниясида кенг кўламли техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, рақамли узатиш тизими йўлга қўйилиши туфайли кўрсатувларнинг сифати тубдан яхшиланди. Намойиш доираси эса юз километрлик масофани қамраб олди.

— Техник воситаларимиз замонавий, — дейди вилоят телерадиокомпанияси бош муҳандиси Исмоилжон Сулаймонов. — Масалан, ўтган ҳамда жорий йил мобайнида энг сўнгги русумдаги тасвирга олиш камералари, видеомонтаж жамламалари, радиоэшиттириш ва ҳар жиҳатдан қулай дастурларга эга сервер ускунаси билан таъминландик.

Эътиборли жиҳати, ушбу имкониятлар эфир вақтини узайтиришда ҳам муҳим омил бўлди. Бинобарин, ҳозир сирдарёлик тележурналистлар томонидан ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир янгиликлар, маданий-маърифий ҳамда бошқа мавзуларда тайёрланган кўрсатувлар кунига 18 соат мобайнида томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинаяпти.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 6 декабрь, якшанба куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5